



Чоршанба

Маҳалла

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ОБОД МАҲАЛЛА ҲУМЛА: 267 - кун

- 2** Террорчи тавбасига таянди.
- 3** Газ ўлчагич газни ва истеъмолчи маблағини тежайди.
- 4** Парижда ғолиб бўлган хаттот.
- Оқсоқол оқсоқол ҳақида.
- Имон – асл фазилат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан: муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - резервга; муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - захирага бўшатилин.

2. 1976-1985 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2003 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервиги олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминлаш, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб қўрилишини ташкил этсин.

Чақирилувчиларни тиббий текширишнинг ҳолидиги муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 сентябрь

Йилнинг қиёфаси

ДАНГАРАНИНГ ДАНФИЛЛАМА ГУЗАРЛАРИ

Туман ҳокими Қайомжон Дадобоев Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла жонкуяри» нишони, жамғарма раиси Кимёхон Имомалиева «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди. Албатта Обод маҳалла йилида маҳаллаларни обод қилишга қўшган ҳиссалари учун.

Дангара - Фаргона вилоятининг чекка туманларидан бири. У Наманган вилоятининг Поп, Тожикистон Республикасининг Ашт туманлари билан чегарадош. Уни бу туманлар билан Сирдарё ажратиб туради.

Туманда 1 та шаҳарча, 8 та қишлоқ ва 40 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларда 132 мингдан ортиқ аҳоли яшайди.

Туманга ёш, ўқимишли, ҳамиша элим деб, юртим деб ёниб, куйиб ишлайдиган, тиниб-тинчимас инсон - Қайомжон Дадобоев ҳокимлик қилади. Туманда кейинги йилларда унинг раҳбарлигида жуда катта ишлар қилинди. Аҳоли иқтисодиёти йилдан-йилга мустақамланиб, турмуш фаровондиги юксалиб бermoқда. Қишлоқлар ўзгача чирой очмоқда.

Обод маҳалла йили муносабати билан қишлоқ ва маҳаллалардаги ободончилик ишлари кўлами янада кенгайди. Аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича бу йил янгидан 15 километр газ тармоғи, 10 километр тоза ичимлик суви қувурлари тортиш режалаштирилган эди. Ярим йилликда 9 километра яқин газ ва 6 километрдан ортиқ сув тармоқлари тортилды. Икки мингдан ортиқ хонадонга газ ўлчаш мосламалари ўрнатилди. Қўлаб гузарлар қурилди.

Қўкон - Тошкент магистрал йўли ёқасидаги 22 километра чўзилган масофаданги уй-жойлар қайта таъмирланиб ва янгидан қурилиб, маҳаллалар жамолига янги чирой бахш этилди. Йул бўйида қатор кечо-кундуз ишлайдиган сабабот, полз, нон ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилувчи расталар ташкил этилди. Туман маркази туниги чироқлар билан ёритилди. 16 та маҳалла фуқаролар йиғинида барча қулай-

ликларга эга бўлган замонавий гузарлар қуриш режалаштирилган бўлса, ҳозиргача уларнинг аксариятида қурилиш ишлари ниҳоясига етди. Ой сайин қўлаб шифо масканлари, боғча, мактаб, савдо, умумий оқлаганиш шохобчалари қурилиб ишга тушириляпти. Спорт иншоотлари қурилишидан болажонларнинг қувончи чексиз.

Унга ўринбосарлари, ҳўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, тadbirkorлар, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари туман бўлимлари, қишлоқ ҳамда маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг фаоллари яқиндан ёрдам бермоқда.

Обод маҳалла йили муносабати билан туман маҳаллаларида амалга ошириладиган юқоридagi ишларни қўгани ва ташкилий тadbirkorлар билан танишгани қўшни туман ҳамда шаҳарлардан тез-тез меҳмонлар келиб туради. Шу йил август ойи бошларида вилоят ҳокимлиги



«Маҳалла» жамғармаси туман бўлини раиси Кимёхон Имомалиевага «Матиз» рули ярашди.

кўрсатилди. Маҳаллаларда амалга оширилган ободонлаштириш, моддий ва маънавий қўлаб-қувватлашга эҳтиёжи бор оилалар

лиги арафасида тақдим этилган барча ҳўжаларнинг атрофлича кўриб чиқиб ва ўрганиб, уни «Маҳалла жонкуяри» танлови ғолиби деб топди.

Яқинда Дангара туманида Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Ўзбекжон Гадоёв туман ҳокими Қайомжон Дадобоевга шу мукофотни топширди.

Дангара тумани «Маҳалла» жамғармаси бўлини раиси «Коммунал хизмат тўловларини тўлаш бўйича агентлик ишини энг яхши ташкил этган «Маҳалла» жамғармаси» кўрик-танлови ғолиби деб топилган эди. Фаргона вилояти маҳалла марказининг очилишида қатнашган Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова ушбу жамғарма раиси Кимёхон Имомалиевага «Матиз» автомашинаси қайитини топширди.

Қодир ШОДМОНОВ, «Mahalla» мухбири.



Янги маҳалласи фуқаролари тadbirkorлар - Ғофиржон Умаров ва Мўхаммаджон Сатторов уз маҳалласи учун барча имкониятларга эга бино қуриб беришди.

ташаббуси билан бу туманда вилоят миқёсида кўргазмали семинар-кенгаш ўтказилди ва қилинган ишлар намуна қилиб

ни ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш, жисмоний тарбия ва спортга ёшларни оммавий жалб қилиш каби қатор иш-

Ифтихор ОРДЕНЛИ АДИБ НОМИ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шўҳрат (Ғулом Алимов)нинг «Буюк хизматлари учун орден» билан мукофотланиши Шўҳрат номли маҳалла аҳлини ҳам беҳад қувонтирди. Аввало Президентимиз томонидан Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган, бугунги ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини асраб-авайлашга бахш этган ватандошларимиз қатори улкан адиб, шоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шўҳрат (Ғулом Алимов)нинг хотирасини ёд этиб, ҳамда у қолдирган бебаҳо ижодий меросни инобатга олиб унинг орден билан мукофотланишини барча ижодкорларга, ёзувчиларимизга, шоирларимизга давлатимиз томонидан кўрсатиладиган улкан ғамхўрлик деб тушунамиз.

Бу фахр туйғуси маҳалламиз аҳлини янги ютуқларга ундади. Бугун катта орзулар билан яшаймиз. Жумладан, маҳаллада қуриладиган гузарни муддатидан олдин фойдаланишга топширишга қарор қилдик. Бўлажак гузардаги тўйхонаю, чойхона, маиший хизмат кўрсатиш, профилактика инспектори хоналари, хотин-қизлар қўмитаси ва маҳалла идоралари қурилишини тезлаштирдик.

Маҳалла фаоллари Абдуразоқ Абдуллаев, Озод Ҳасановлар таклифи билан ҳар ойда бир марта шанбалик ўтказиб, уйларни қишга тайёрлаш, кўча ва ҳовли, уй атрофларини санитария-гигиена ҳолатини доимий назорат қилиб туришни йўлга қўйдик.

Маҳаллада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва маҳалла аҳли саломадигини муҳофаза қилиш ҳақида суҳбат-

лар ўтказдик. Шунингдек, мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигини янада мустақамлаб, миллий истиқлол гоёсини кенг тарғиб қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш, ўз жазо муддатини ўтаб қайтганларни ишга жойлаштириш ишлари режа асосида амалга оширилмоқда.

Яна бир тadbirkor - маҳалламиз фаоллари ёзувчи Шўҳрат фарзандлари билан ҳам алоқа ўрнатдилар. Маҳаллада ўталган байрамлар ва эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинадиган тантаналарга ёзувчининг ўғил-қизлари, набиралари ҳам таклиф этиладиган бўлди.

Хуллас, маҳалламиз аҳли буюк хизматлари инобатга олинган, орденли ёзувчи номига муносиб бўлишга астойдил ҳаракат қилади.

Турсун ШОМУРОДОВ, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Шўҳрат номли маҳалла оқсоқоли.

«Футболимиз келажаги» - 2003 ОРЗУ-УМИДЛАР МАЙДОНИ

Маҳалла болалари ўртасида «Футболимиз келажаги» мусобақалари анъанавий тус олди ва ҳар йили ёзги таътил давомида оммавий тарзда ташкил этилиб, ўспирин футболчиларга олам-жаҳон қувонч бахш этмоқда.



Суратда: ғолиб - оққўрғонлик Уста Нормат маҳалласи жамоаси

Аслида, ўқув йили мобайнида ҳам болалар мактабдан келиб, уй юмушларидан бўшда дегунга кўни-қўшиллар билан бирга тўп тегишга ошиқишлари табиий бир ҳол. Лекин ўз қўшилларинг, боринги яқин атрофдаги маҳалладаги тенгдошларинг билан куч синаяши қаёқдаю, ҳажикий футбол майдонида, ҳажикий ҳакам бошчилигида мусобақалашш қаёқда. Айниқса, команданг босқичма-босқич ўтказилаётган бахсларда муваффақиятли иштирок этса, аввалига туман ёки шаҳарда, сўнгра вилоят ҳамда минтақавий мусобақаларда галаба бошқаларга эмас, балки айнан сенинг жамоангга насиб этса! Еш футболчи учун бундан ортиқ бахт борми? Менимча, йўқ.

Ўтган haftaда 11-12 ёшли футбол гунаҳлари ўртасида бахсларнинг якуний республика финали мамлакатимиз пойтахтидаги муҳташам ўйингоҳларда ўтказилди. Хал қилувчи босқичгача Наманган шаҳрининг «Шарқ тонги» маҳалласи, Самарқанд вилояти Иштигон туманининг Д.Махмудов номли маҳалласи, Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Уста Нормат маҳалласи ҳамда Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги Авшар маҳалласи болаларидан тузилган командалар етиб келишганидан газетамиз муштарийларининг хабарлари бўлса керак.

Қуръа ташлаш орқали ярим финалда ўзаро бахс олиб боруви жамоалар аниқланди. Хоразмлик болалар наманганлик тенгдошлари устидан 4:1 ҳисобида ишонли галабани қўлга киритиб, финал иштирокчисига айланди. Иккинчи ярим финалда эса, оққўрғонликлар киритган ягона тўп ўйин тақдирини хал қилди.

Бош соврин кимга насиб этишини «Пахтакор» марказий стадионда ўтказилган финал урашуви аниқлаб берди. Урашувнинг дастлабки дақиқаларида пойтахт вилояти командаси ракиблар дарвозасига иккита тўп киритиб, ташаббусни ўз қўлига олди. Хоразмлик болалар жавоб тариқасида фақат биттагина гол билан чекланишди. 2:1 ҳисобида қозонилган галаба Уста Нормат маҳалласи болаларининг биринчи ўрин соҳибига айланишганини аниқлади.

Футболимиз фахрийларидан бири Тошкентнинг «Пахтакор» командаси таркибиде узок йиллар мобайнида ишқибозлар олишларига сазовор бўлган, кейинчалик жамоага мураббийлик қилган Аҳрол Иноятлов, республика тоифасидаги ҳакам, машҳур футбол шарҳловчиси Аҳбор Имомқўжаев биз билан суҳбатда ушбу мусобақаларнинг ахамияти ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтишди.

Финал урашуви тугагач, стадионга тўплаган мухлислар гувоҳлигида мусобақа қатнашчиларига қўлаб соврин ва совғалар топширилди.

Бош соврин - биллур кубок, олтин медаллар, рангли телевизор, футбол кийимлари, эсдалик совғалари Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Уста Нормат маҳалласи жамоасига тантанали равишда топширилди. Хоразмлик ёш футболчиларга қумуш медаллар, телевизор, футбол кийимлари, эсдалик совғалари насиб этди. Финал босқичига етиб қолган қолган икки жамоа аъзолари бронза медаллари, футбол кийимлари, кимматбахр совғалар билан тақдирланди.

Совринларни мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Ўзбекжон Гадоёв, Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсулов, «Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Ботир Убайдуллоев ва бошқа ҳажимий ташкилотлар раҳбарлари топширишди.

Ҳар бир жамоанинг иккитадан энг иқтидорли футболчисига пойтахтимиздаги «Динамо» спорт моллари дўқони футбол тўпларини совға қилгани ёш футболчиларни айниқса хурсанд қилди.

Мирзахаким ТУХТАМИРЗАЕВ

Спорт: Теннис

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРДИ

ТОШКЕНТ. ЎзА мухбирлари Зоҳир ТОШХУЖАЕВ, Бехбуд БОТИРОВ.

Тошкент теннис марказида Осиё чемпионатининг иккинчи босқич беллашувлари бошланди.

Баҳслар ҳамюртларимиз учун анча омадли кечди. Жумладан, энг тажрибали теннисчимиз Олег Огородов қозонистонлик Дие Доскарасев билан куч синаяди. Биринчи сетда О.Огородов 3:0 ҳисоби-

да олдинда бораётганида рақиб учрашуви давом эттиролмагисини билдириди.

Яна бир вақилимиз Дмитрий Мазур индонезиялик мошари теннисчи Суванди Сувандини 7:6, 6:2 ҳисобида доғда қолдириб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Чемпионатда учинчи рақам остида сараланган спортчимиз




Вадим Кутченко эронлик Аноша Шанчоллини 6:2, 6:1 ҳисобида мағлуб этди. Шунингдек, таиландлик Чопанг Видаван ва ҳиндистонлик Иша Лакани ўртасидаги баҳс жуда кескин ва муросисиз бўлди. Унда Ч.Видаван 7:6, 7:5 ҳисобида зафар қучди. Қозонистонлик Алексей Келдинов ва хитойлик Хао Лу беллашувида 6:1, 7:6 ҳисоби қайда этилди.

Аёллар ўртасидаги учрашувлар ҳам қизқарли давом этмоқда.

Ўтган йилги мусобақада финалгача етиб борган ҳамюртимиз Иванна Исроилова индонезиялик Анита Бамбрита дастлабки сетни 1:6 ҳисобида бой берди. Лекин мухлисларнинг қўлаб-қувватлаши теннисчимизга янги куч бағишлади. И.Исроилова кейинги икки сетда рақибасига имконият қолдирмади - 6:3, 6:1. Ҳиндистонлик Мегха Вакарня сянганлик По Киен Ламага 1:6, 4:6 ҳисобида имкониятини бой берди.

Обуна-2003

Mahalla



-Яна нима дейди? -2004 йил учун обуна бошланди, - дейпти.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

00123-рақам билан рўйхатга олинган

Нашр кўрсаткичи: 148

«Матбуот тарқатувчи» хиссасдорлик жамияти

Тақрирнинг манзили: Тошкент, Матбуотчилик, 32-уй

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93. Тел./Факс: — 133-44-25. Массул котиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62.

Тахрирчига келган хат ва мақалалар тахрир қилинмайди ва эъломига қайтарибмади.

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдилар.

Тахрирчи



Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеясининг 58-сессияси давом этмоқда. Утган душанба кунин сессиянинг навбатдаги йиғилишида барча иштирокчилар диққат эътибори ОИТС муаммосига қаратилади.

Ушбу йил қабул қилинган асас декларацияга мурожаат қилиш ҳақида ҳам муҳокама қилинган бўлиши шубҳасиз.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, зарур вазиятларнинг етишмаслиги, баъзи мамлакатларда муаммонинг қанчалик жиддийлиги аниқлаштирилмаган ҳалқаро даражада чоралар кўрилишига ҳалал бермоқда.

БМТ маълумотларига қараганда, сўнгги йилгирма йил ичида ОИТС билан олти беш миллион одам касалланган.

БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) раҳбари Карол Беллэмнинг сўзларига қараганда, ОИТС айниқса ёшлар ва болаларга жиддий таҳдид солмоқда.

БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) раҳбари Карол Беллэмнинг сўзларига қараганда, ОИТС айниқса ёшлар ва болаларга жиддий таҳдид солмоқда.

Унинг таъкидлашича, минглаб ўсимлар доимий равишда мазкур хасталик билан оғриган ота-оналари ёнида бўлади.

БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) раҳбари Карол Беллэмнинг сўзларига қараганда, ОИТС айниқса ёшлар ва болаларга жиддий таҳдид солмоқда.

Унинг таъкидлашича, минглаб ўсимлар доимий равишда мазкур хасталик билан оғриган ота-оналари ёнида бўлади.

БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) раҳбари Карол Беллэмнинг сўзларига қараганда, ОИТС айниқса ёшлар ва болаларга жиддий таҳдид солмоқда.

Унинг таъкидлашича, минглаб ўсимлар доимий равишда мазкур хасталик билан оғриган ота-оналари ёнида бўлади.

БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) раҳбари Карол Беллэмнинг сўзларига қараганда, ОИТС айниқса ёшлар ва болаларга жиддий таҳдид солмоқда.

● Кечиккан тавба -тазарру

Тасаввур қилинг: қаршимизда ҳамеҳват бўлиб турган Азизбек "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб аталувчи террорчи ташкилотнинг эғир фаолиятидан, айни жойи бўлса, шу пайтгача ҳисобга олинб жабобгарликка тортилмаётган, ёки ўзи тавба-тазарру қилиб келган террорчи ёки уларга хизмат қилганлар орасида энг "нуфузли"си.

Лекин кеч, олдинроқ аниқлашга эса имкон беришмади. Чунки ҳақиқатни кўрмаслик, англамаслик учун унинг кўзлари боғланган: у ва унга ўхшаб террорчиликка мослаштириладиган ёшларга айни ҳақиқат албатта бузиб етказиларди, мияси ёлгон гоғлар билан тўлдирилган эди.

Азизбекнинг қалбига ёлгон даъват қачондан сингга бошлади? Дастлабки диний таълимни ола бошлаганда у 15 ёшидами? Наҳотки, унга диний таълимни бера бошлаган Абдували Мирзаев унинг қалбига ислом динининг ҳақиқий моҳиятини сингдира олмаган бўлса.

номлаб келган террорчи ташкилотнинг жангариси сифатида қилган ваҳшиёна ишлари учун бугунги кунда қонун олдига жавоб бераётган андижонлик Азизбек Аҳмаджонович Каримовнинг илк "устоз"лари дастури соф ислом таълимоти билан сугорилганига шубҳа билан қарашга асос бор.

ЖАНГАРИ АНГСИЗ БИЛАН «ЖАНГ» ЯЪНИ МУЛОҚОТ

Демак, элчихона олдидан портлаш рўй берган пайтда ўзим кўшилиб портлаган керак, портлаш юз бермаганда эса кўлга тушимини шарт. Демак "УИХ" деб аталувчи тўда бу ишда меннинг ё ўшимини ёки кўлга тушимини аниқ билган.

Шундай қилиб, «УИХ»нинг раҳбарлари олдидан ўзининг жони бир пуд эканлигини сезган ва жони ўзига ширин кўринган Азизбек Каримов бу терактдан воз кечди.

Ушбу йил қабул қилинган асас декларацияга мурожаат қилиш ҳақида ҳам муҳокама қилинган бўлиши шубҳасиз.

● Маҳаллага ҳамкорлар

САИР сармоясси

Шўрчи туманидаги Алишер Навоий номида маҳаллада меҳнатқашларнинг тоза ичимлик сувга бўлган талаби қондирилди.

Материал билан мулоқотда бўлди. Маҳалла ҳаракатини сармояслашга қаратилган мукамал дастурга эгами. Дастур асосан, Ўзбекистон жанубидаги шахар ва қишлоқлар аҳолисининг ижтимоий ҳаёт даражасини янада оширишни ўз ичига олади.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилиб чиққан бўлсак, аксарият ҳолларда бундай оғдатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслигимиз ёки уни назарга олмаслигимиз оқибатида юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ўз уяини ўзини асра! ЁНГИННИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

● Хар ишнинг ўз агуви бор

ТАДБИРГА...ТОҒОРА КЎТАРИБ?!

Пойтахтнинг кўзга кўринган маҳаллардан биридан маданий-маърифий тадбир бўлди.

бирон савол берувчи бўлмади. Шунча одамнинг орасида соҳага доир саволлари, мулоҳазалари бўлмаган киши топилмаслиги мумкин эмас албатта.

Шўрчи туманидаги Алишер Навоий номида маҳаллада меҳнатқашларнинг тоза ичимлик сувга бўлган талаби қондирилди.

бирон савол берувчи бўлмади. Шунча одамнинг орасида соҳага доир саволлари, мулоҳазалари бўлмаган киши топилмаслиги мумкин эмас албатта.

Сурхондарё вилояти

ди, маҳаллий ҳокимиятлар аҳоли эҳтиёжларига янада самаралироқ жавоб бериш салоҳиятига эга бўлди.


Тошкент шаҳри

тиш мосламаларини ўратмоқчи бўлсангиз газ ходимларидан рұхсат олиб, мутахассислар орқали амалга оширинг.

Тадбирда маҳалланинг биронта бўлсин

тадбирда маҳалланинг биронта бўлсин фуқароси ҳуқуқий саводини бойита олади.

Дуққат: янги рукн!



"Mahalla" gazetasi nomidan «oqsokol» kufinga mahalla va qishloqlarida bo'lib, mustaqilligimizni mustahkamlashga, savob ishlariga kul uraytgan yordoshlarimizga OLIKSHIY aytib, dalilgacha istidolimizni his qilmaigan baъzi bir tanball, ishёkmas kishilarga TANBЕХ berib keladi.

Оқсоқол танбех беради:

Оқсоқол туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафақалар бўйича ҳисобчиси Давлат Ҳайитбоевнинг хузурига кирганида унинг "Ишим бошимдан ошиб ётибди, отахон, яхисини эртага келид" деган гапини эшитиб қолди.

Оқсоқол танбех беради:

Оқсоқол туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафақалар бўйича ҳисобчиси Давлат Ҳайитбоевнинг хузурига кирганида унинг "Ишим бошимдан ошиб ётибди, отахон, яхисини эртага келид" деган гапини эшитиб қолди.

Оқсоқол танбех беради:



Оқсоқол туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафақалар бўйича ҳисобчиси Давлат Ҳайитбоевнинг хузурига кирганида унинг "Ишим бошимдан ошиб ётибди, отахон, яхисини эртага келид" деган гапини эшитиб қолди.

Оқсоқол танбех беради:

Оқсоқол туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафақалар бўйича ҳисобчиси Давлат Ҳайитбоевнинг хузурига кирганида унинг "Ишим бошимдан ошиб ётибди, отахон, яхисини эртага келид" деган гапини эшитиб қолди.

Оқсоқол танбех беради:



Оқсоқол туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафақалар бўйича ҳисобчиси Давлат Ҳайитбоевнинг хузурига кирганида унинг "Ишим бошимдан ошиб ётибди, отахон, яхисини эртага келид" деган гапини эшитиб қолди.

Оқсоқол танбех беради:

Оқсоқол туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафақалар бўйича ҳисобчиси Давлат Ҳайитбоевнинг хузурига кирганида унинг "Ишим бошимдан ошиб ётибди, отахон, яхисини эртага келид" деган гапини эшитиб қолди.

Фаргона вилояти

ГАЗЧИЛАР ВА ОҚСОҚОЛЛАР ҲАМКОРЛИГИ

- Вилоятда 130,5 км. узунликда газ қувурлари ишга тушиб, 12 та қишлоққа зангори олов кириб борди.
- 1 октябрдан Тошлоқ шаҳарчасида 2785 та хонадоннинг газ таъминоти яхшиланади.
- Ўтган саккиз ойда вилоят бўйича 4001 та хонадон табиий газ билан таъминланди. Бу режага нисбатан 147 фоизни ташкил қилади.
- Ёнилғи тўловларини ундириш юзасидан 874 та маҳалла йиғинида иш ташкил қилиниб, шу йилнинг ўзида 408 та маҳалла режани бажаргани қайд этилди.
- Режани бажарган маҳаллаларга салкам 16 миллион сўм рағбатлантириш пули берилди.
- Ўтган йил киши мавсумида юз берган газ тақчиллигини бартараф этиш учун 67 км. масофадаги газ қувурлари таъмирланмоқда.



Газ таъминоти ходимлари газ ўлчагичлар афзалликлари хусусида фикр алмашмоқдалар.

●Тома-тома кўл бўлур...

ТЕЖОҒЛИ ИШ - БЕЖОҒЛИ ИШ

Шўба корхонамиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги 278- ва 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли қарорларини ҳаётга татиқ этиш учун барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилаётимиз. Хукуматимиз қарорларидан кўзланган асосий мақсад аҳолининг табиий газга бўлган талаб-эҳтиёжини қондира бориш, ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлаш учун 2004 йилгача газ ўлчагич асбобларини хонадонларга ўрнаттириш, ёнилғи сарфи тўловларини ўз вақтида амалга оширишдан иборатдир.

Ҳаммаиш тўғрисида, илгари нимани тежаб-тергамаган бўлса, ҳозир унинг уюлига қолиб турибмиз. Мисол учун бензинни олайлик. Йулларда тўқилиб ётарди, ортиқчаси челақлаб сепиб юбориларди. Куп-куруқ ўтиннинг устига ҳам бензин қуйиб ёқардик. Мана, энди унинг қадрига етаямиз. Худди ана шу нуктаи-назардан масалага ёндошлаган бўлса, миллий бойлигимиз ҳисобланган газдан исроф қилмасдан фойдаланиш мўҳим вазифадир. Хонадонларга газ ўлчагичларни тезроқ ўрнаттириш ана шу вазифалардан келиб чиқади.

Халқимизда "Озни бежа, кўпни тежа" деган мақол бежиз юрмайди. Бу дунёда ҳамма нарсага ўлчи бор, шу жумладан, газнинг ҳам. Унинг захиралари ҳам қачондир поёнига етди. Шунинг учун уни келгуси авлодларга етказиш сизу бизнинг вазифамиз.

"Фаргонагазтаъминот"нинг вилоятда 20 та филиали фаолият кўрсатмоқда. "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг вилоятимизда жойлашган 32 та ёнилғи тақсимлаш шохбаси "Янгир-Ховос-Фаргона" магистрал қувурлари орқали ўз истеъмолчиларини газ билан таъминлаётди. Шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра қарийб 484,5 мингта хонадонга табиий газ кириб борган. Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан келиб чиқиб тузган режамизга кўра келгуси йилгача жами сал кам 460 минг хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатилиши керак. Ўтган йили режа 96, бу йилги саккиз ойлик режа эса, 106,5 фоиз бажарилди. Бу муваффақиятга Риштон, Ўзбекистон, Тошлоқ туманлари, Қувасой, Фаргона шаҳарлари филиаллари аниқса, баракали улуш қўшдилар. Қолаверса, иш пухта ташкил этилганлиги, тарғибот-ташвиқот масалаларига алоҳида аҳамият берилганлиги ва энг мўҳими, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бориладигли уюшқоқликни таъминлади.

Ўтган қиш мавсумида газ қувурларидаги газ босимининг пастлиги натижасида юзга келган ёнилғи тақчиллигини бартараф этиш юзасидан ҳам режалар ишлар олиб боришмоқда. Масалан, Марғилон шаҳрида истеъмолчиларнинг табиий газга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Н.Холматов, А.Яссавий номли ва Мустақиллик кўчаларига 6,4 км. узунликда юқори ҳамда ўрта босимли газ қувурлари тортилмоқда. Унинг 2,6 км. узунлигидаги қисми 15 октябрда ишга туширилиши керак. Бу - мазкур қурилиш ниҳоятда етказилса 20 та маҳаллада яшовчи 20 минг киши ёки истеъмолчиларнинг 70 фоиз учун газ таъминоти яхшиланади, деганидир.

Шавкатжон ЭМИНОВ,
"Фаргонагазтаъминот" шўба корхонаси директори.

●Оталиқ ёрдами

АНЪАНА БУЗИЛМАДИ

Аҳолини бир меъёрга табиий газ билан таъминлашга ҳаракат қилаётган Риштон тумани газ таъминоти идораси салкам 31 минг хонадонга хизмат кўрсатаётди. Обод маҳалла йили режасига кўра 10 километр ерга газ қувурлари тортиб келиниши керак. Ҳозирги кунгача эса 8 км. масофадаги иш бажарилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг яқиндан бераётган ёрдами тўғрисида аҳолидан газ ҳақи тўловларини ўз вақтида ундириш ишлари ҳам ибратли йўлга қўйилган.

Газчилар ўз оталиғидаги ташкилот, ўқув масканларини ҳам эътибордан четда қолдирмаётти. Масалан, мактаб, боғчаларга 200 минг сўмга яқин моддий кўмак берилди. Ҳар бир байрам кўни уларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатилди. Республикаимиз мустақиллигининг 12 йиллиги байрами арафасида ҳам бу анъана бузилмади.

А.ЖАББОРОВ.

Суратда: газ қувурларини ўрнатилиш пайти



●Қарс икки қўлдан!

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА...

Амалдаги йил Қувасой шаҳри инфратузилмасини ривожлантириш режасига кўра 7 км., 8 ой режасига биноан эса, 5,4 км. газ қувури ётқизишлиши лозим эди. Шаҳар филиали жамоаси 1 сентябрда 6,6 км. масофага газ қувурлари тортиб келиб, белгиланган режани 122,2 фоиз бажарди. Асосий ишлар Лашкар, Иштиқоёт ва Арсиф қишлоқларида амалга оширилди. Шу муддат мобайнида 147 хонадон газлаштирилишига эришилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан бирмунча юқоридир.

Шунингдек, хонадонларга газ ўлчагичлар ўрнатишга ҳам суръатни анча тезлаштиришга эришилди, яъни бундай таъбир 3800 хонадонни қамраб олди ёки ҳаммаси бўлиб 6850 уй соҳибни ушбу қулайликдан фойдаланмоқда.

Қаторда норинг бўлса ташвишнинг ҳам оз бўлар экан. Юқоридаги юмушларни бажаришда бизга маҳалла йиғинлари яқиндан кўмак берилди. 221 та газ ўлчагич бевосита улар савб-ҳаракати билан ўрнатилгани фикримизга далил бўла олади. Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан боқимти ишлаётганимизгадан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни ўз вақтида ундиришимизда жуда асқотмоқда. Аниқса, У.Юсупов номли, Сойбўйи ва Суфон маҳалла йиғинларининг бизга кўрсатган ёрдамлари баракали бўлаётди. Ана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ 7 та бригадани кунига 8-9 хонадонга газ ўлчагичлар ўрнатиб, режани ошириб бажаряптилар.

Тўғри, иш бор жойда камчилик, муаммолар бўлиши табиий. Бундай пайтларда шаҳар ҳокими Худойберди Қосимов ёрдами аямайди. Бизнинг муваффақиятларимиз ҳокимликнинг доимо бериб турган беғараз ёрдами тўғрисида ҳамдир, десак бўлмоғи бўлмайди. Шу боисдан шаҳримиз худди тўла газлаштирилишига эришилди. Шунингдек, қўндалик фаолиятимизда вилоят шўба корхонаси ва "Ўзкоммунгаз"нинг ҳам катта кўмагини сезиб тураемиз. Филиалда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шарафтини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, хоналарнинг тўла компьютерлашгани, ходимларимизнинг ишдан кейин мазмуни дам олишлари ва спорт турлари билан шуғулланишлари учун энг асосий шароитлар яратилгани ҳам ана шу гамхўрлик натижасидир.

Алишер ҚОСИМОВ,

"Фаргонагазтаъминот" шўба корхонаси Қувасой шаҳар филиали раҳбари.




Қувасой шаҳар газ таъминоти идораси ходимлари ёнилғи ҳақини ўз вақтида тўлаш, хонадонларга ўрнатилаётган ўлчагичларнинг фуқаролар учун қатор афзалликлари хусусида жойларда кенг тушунтириш ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Натижада газ ҳақи тўловларидан узилишларга йўл қўйилмаётди.

Сиз кўриб турган суратда "Фаргонагазтаъминот" шўба корхонаси Қувасой шаҳар филиали раҳбари А.Қосимов (ўртада) жамоа аъзолари билан бугунги вазифалар юзасидан фикр алмашмоқда.

●Оммавий сафарбарлик

КЎПЛАШИБ КЎТАРГАН ЮК - ЕНГИЛ

Шавкатжон Эминов вилоят газлаштириш идорасининг янги раҳбари. Фаолият кўрсатаётганига икки ой бўлди. Лекин гапнинг очиги, шу вақт мобайнида кўзда тутилганидан анча кўп ишларга қўл урилди. Бунинг билан Риштон тумани мисолида ҳам яққол кўриш ва сезиш мумкин. Менимча, вилоят шўба корхонаси энг аввало, ишни маҳаллалар билан баҳамжихат бажаришга бел боғлагани аниқ муҳим бўлди. Ҳар ҳолда кўплашиб кўтарган юк енгил дейишадими-ку.



Риштон тумани газ таъминоти ходимлари хонадонга газ ўлчагични ўрнатишмоқда.

Юқорида қайд этганимиздек, аниқса, кейинги икки ой газлаштириш идораси ходимлари учун омадли келди. Чунки бу ёнига йил охирига қадар қиладиган юмушлар сароб. Агар сурат оширилмаса ҳукумат қарорлари бажарилмастлиги мумкин. Шунинг учун ҳам мавжуд ва қўшимча имкониятлардан фойдаланиб қолиш энг тўғри ва оқилона йўлдир. Қўшимча имконият деганимиз - газчилар умумий ишга қурилиш ташкилотлари мутасаддиларини ҳам кенг жалб этдилар. Натижада 8-9 ўрнига 14-15 та бригада иш олиб боришига эришилди. Биз газчиларнинг хайрли ва эзгу мақсадларини ҳамisha қўллаб-қувватлаймиз. Сабаби - газ ўлчагичларнинг тезроқ ўрнатилиши биринчидан, фуқароларнинг маънавияти учун хизмат қилади, чунки ёнилғини тежаб ёққан хонадон соҳибига тўловини бир неча баравар камайтиришга эришади, иккинчидан, тежаб қолинган газ захираси қолади. Бу - давлатга ҳам, маҳалла аҳлига ҳам фақат фойда келтиради. Бунинг асил моҳиятини - халқ фаровонлигини таъминлаш ишига қўшилган ҳисса, деб тушуном қиларек.

Дарвоқе, Риштон тумани газ идораси 31 мингта яқин хонадонга хизмат кўрсатади. 190 км. ер ости, 568 км. ер усти қувурлари ва 636 та газ тақсимлагич қурилмаси мавжуд. 90 нафарга яқин ишчи-хизматчилар фаолият юритишади. Биз уларга бор имкониятларни ишга солган ҳолда кўмаклашиб келамиз. Жумладан, газ тўловларини йиғишга фаол иштирок этган ва аниқ пайтда белгиланган режаларини бажарган 21 та маҳалла йиғини ҳисоб-рақамга газ идораси томонидан 2 миллион 882 минг сўм рағбатлантириш пули ўтказиб берилди. Бу маблағ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ободонлаштириш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Эндиликда газ ўлчагичлар афзаллигини яхши тушунган фуқаролар ана шундай қулайликдан фойдаланишни сўраб, мурожаат қилмоқдалар.

Ақромжон САЙФИДИНОВ,

Риштон туманидаги Заварик маҳалла фуқаролар йиғини раиси муовини.

●Хисобини билмаган ҳамёнудан саирлар

ЎТИННИ ОЛГАНГА ЁҚТИР...

Газдан тежаб-тергаб фойдаланишни назарда тутиб ўрнатилаётган ўлчагичларнинг афзаллик томонлари кўп. Чунки, аввал маҳалланинг узоқроқ қисмида яшайдиганларга босим пасайиб, яхши етиб бормасди. Газ ўлчагич ишлаб беришга, хонадон соҳибини уни зарур пайтларда ёқнишга ва шу билан камроқ пул тўлашга ҳаракат қилади. Шунда ёнилғи тежа-



лади ва юқорида айтганимиз - чеккароқ жойдаги-ларга ҳам меъёрида етиб борилди.

Биз бир неча хонадонда бўлиб, тежамкорликка қандай амал қилинаётганини газлаштириш идораси ходимлари билан биргаликда таҳлил қилиб чиқдик. Бир ойда илгари оғинга 1332 сўмдан тўлаб келган. Газ ўлчагич қўйилгандан сўнг эса бу рақам 138 сўмни ташкил этган. Бошқа хонадон тўлови аввал 3 минг сўм экан, аниқ пайтда бир ой учун 190 сўмдан ошмапти.

Ушбу таҳлиллар шунинг кўрсаткичи, агар битта туман бўйича айтдик, 31 мингта яқин хонадонга газ ўлчагичлар ўрнатишга бўлса, демак, бир ойда 12 миллион кубометр ёнилғини иқтисод қилиб қолиш имкони бор экан. Ўлчагич устунаси қўйилмаган уйда эса, агар эътиборсизлик қилиниб, газ қозони, конфоркалар узлуксиз ёқиб ҳолда турса уйга манки, умумий зарар ўн миллион кубометрда ўлчанган бўларди.

Маҳалла ва газчилар ҳамкорлиги юқоридагига ўхшаш кўплаб камчилик, муаммоларнинг олдини олишда мўҳим омил бўлишига ишонаман.

Маъруфжон СУЛТОНОВ,

Фаргона туманидаги Ўрта қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Суратда: М. Султонов (ўртада) иккинчи газчилар ва маҳалла фаоллари билан.

Олам

Турфа



ХИТОЙЧА ТАҒСУЗ

Кўшма Штатлардаги Хитой ресторанидан бирига бир аёл ташриф буюрганди.

Аёлга таомни муқовасидаги хитойча ёзув жуда ёқиб қолди. Шунинг учун ёзувни аёл кўчириб олди ва кўп ўтмай кўйлагининг кўкрак қисмига тикиб олди, албатта, ёзувнинг мазмунига ўзи тушунмаган ҳолда. Фақат анча вақт ўтгандан кейингина...

Ушанда бир таниши хитойча бу ёзувни таржима қилиб берди: "Бу лозатдан ҳеч иккиланмай тезроқ баҳраманд бўлинг. Кейин афсусланиб юрманг тагин", деган маънони аниқларкан.

ГАЛСТУКЛИ ФУТБОЛЧИЛАР

Майдонга галстук тақиб тушган футболчини ҳеч кўрганмисиз? Ирландиядаги "Портленд роверс" клуби ўйинчилари майдонга албатта галстук тақиб чиқшади.

Маълум бўлишича, бир бойвачча ишқибоз: "Агарда майдонга галстук тақиб тушсанглар, бутун бойлигимни командангизга қолдираман" деб васият қилган экан.

ТУШИДА ЕР ҚИМИРЛАГАН ЭДИ

Уйкуда ким ёмон туш кўрмайди, дейсиз. Ҳамма кўради. Мана тимишоралик 29 ёшли П.Боднар ҳам дахшатлисини кўрди, яъни тушида ер жуда каттиқ қимирлаётган эмиш.

Ҳамма ёқ остини-устун бўлаётган, ҳатто у яшаётган кўп қаватли уй ҳам қулаётган эди. Шу пайт тушдан қаттиқ қўрқиб кетган Боднар шартта ўришдан турди, деразадан пастга сакради. Хайриятки, у иккинчи қаватда яшади, омон қолди. Акс ҳолда...

Боднар оғриқдан зўрга узи кели ва билдики, ер тушида қимирлаётган экан. Афсусе тушга ишониб, оёғини синдиришни қолди-ла.

АНТИҚА МАКТАБ


Гонгконг полицияси профессионал фирморлар тайёрлайдиган яширин мактабни фойда этди. Бу "ўқув юрти"га киришни хоҳловчилар "иш стаж" энг кам беш йил бўлган учта "мутасаддис"дан таълим олиш билан бўлади.

Бу "мактаб" да ўқитиш муддати бир ярим йил бўлган. Ўқувчилар қарта йилнинг 28 турдан иборат бўлган "максусе курс"дан ташқари қарағ, далолат ва сузанини ҳам ўрганилар. Бундай "ўқималар"нинг дипломи бўлмаса ҳам алоҳида доираларда зўр ҳурматга эга бўлганлар.

Саҳифани Абдунаби МАННОПОВ ва Ҳабибулла ҲОШИМОВ, Мусурмон Хўжамбердиев (суратлар)лар тайёрлади.

Дил тугёни

Асад АСИЛ



Мушфиқ, она-ер

Ривоятларга кўра, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратиб...

Асад отлиғ паҳлавон эдим, Беллашгани чиқди, қани ким?!

Мўҳтож кўрсан четлаб ўтмадим, Ғарибларни ташлаб кетмадим...

Қаро кун ҳам келиши тайин, Хеч ким ўлмас ўзи атайин...

Нокасларга кунинг қолса гар, Иш юришмай белинг толса гар...

Ривоятлар ва ҳикоятлар


Ёзувчи Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ «Ривоятлар ва ҳикоятлар» деган китоб устида иш олиб бораётир.

ШИШ ПАЙҒАМБАР ЖУМБОҒИ

Ровийлар андоғ ривоят қилурларки, ҳазрати Одам алайҳиссалом ўз ўғлонларидан қирқ минг кишини кўриб оламдан ўтади.

Шишнинг топти ўзжуди чун ағуқ Ул кўш қилди жабинидин тугуқ

деб ёзади Алишер Навоий ўз «Листонут тайр» асарид.



деб ёзади Абулғози Баҳодурхон «Шажарайи турк» да.

соб. Аммо Шиш пайғамбар ким бўлди экан? Шишада уруғланган (ким томонидан, қачон, қандай қилди?) сунъий дунёга келтирилган инсон рустдан бўлган экан?

ИМОНЛИЛАР КЕМАСИ БАЛОНИ БИЛГАН ШАЙТОН

Одам Атонинг илк ажлодларидан бўлиши Нух пайғамбар икки юз эллик ёшга етганида Аллоҳ таоло уни пайғамбар қилиб...

Вақтинки Аллоҳ таоло Инсонни яратибдию, ўз иқлоддан мамнун бўлиб...

Мен бу ривоятни ўқидиму узоқ ўйланиб қолдим: Шайтон нега бундай қилган экан?



КҮЙ (21.03-21.04)

Бирор масала юзасидан аниқ бир қарорга келишга қийинлик бўлганда...

СИГИР(22.04.20.05)

Қисқа муддатда ва ариямас сай-ҳаракатлар эвазига кўнгли даромад топиш ҳақидага тақдирларга ортиқча берилманг.

ЭГИЗКАКЛАР(22.05-21.06)

Нима учун шу кунларда афродитлар билан кўп бахшланимиз?

ҚИСҚИЧБАКА (22.06-22.07)

Ташқабил ишларга вақрингизни беҳуда сарфламаг. Айни кунларда бу жаҳода омад сиздан юз ўтирган, қудай фурсатини кутиг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ҳамман лот қолдириш ва бошқалардан ажралиб туриш исрати сизни ақлга сиймайитан ишларга ундайди.

ПАЗИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда қонун чегарасидан чиқмасликка ҳаракат қилма. Асс ҳолда яқин келмакдаги ҳаётингизни қўнғисиз ташвишларга бой бўлиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Барча юмушларни бир четга қўйиб, соғиниғизга асосида элтиб беришга яхши эди.

ЧАЕН (23.10-22.11)

Сизнинг қасоскорлик руҳи қанчалик вазиёларга унингизга панд бериб қўйиши...

ЎКОТАР (23.11-21.12)

Сизнинг ҳаётингизда бидирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариш...

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Узоқ сафарларда, ҳок ҳизмат юзасидан, ҳок ҳизмат бўлиши афтидорларга олдиндан масъула берма.

КОВҒА (20.01-18.02)

Мотивий муаммоларнингизни ўз вақтида ҳал қилсангиз, яқин бир-икки ойда унингизни муаммолардан халос қилган бўласиз.

БАЛИК (19.02-20.03)

Ўқитини ҳаётингиз бериб, ҳаётингизга ҳосил ўрнига эгалловчи воқеаларни назардан четга қолдирмаг.

Товиқт шаҳар С.Раҳимов тумани 29-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1993 йилда Турсун Дилмурод Турғунбоевич номи билан...

Товиқт шаҳар С.Раҳимов тумани 29-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1995 йилда Турсун Эълмурод Турғунбоевич номи билан...

Товиқт шаҳар С.Раҳимов тумани 29-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1995 йилда Турсун Эълмурод Турғунбоевич номи билан...

Товиқт шаҳар С.Раҳимов тумани 29-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1995 йилда Турсун Эълмурод Турғунбоевич номи билан...

Товиқт шаҳар С.Раҳимов тумани 29-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1995 йилда Турсун Эълмурод Турғунбоевич номи билан...

Тарих яратган аждоғлар

ХАТТОТ ВА ТАРЖИМОН — МИРЗА БАРОТ ҚОСИМОВ

ХІХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ўзининг кўп қиррали ва самарали ижоди билан самарқандликлар орасида танилган зиёлилардан бири Мирза Барот Мулла Қосимов эди.

марқандийнинг ХІХ асрнинг 40-йилларида ёзилган машҳур тарихий асари - «Самарийа»ни форе тилидан ўзбек тилига моҳирона таржима қилди...

Мирза Барот Самарқанддаги тарихий метеморий ёлгорликлар тўғрисида янги маълумотлар бериб...

Истеъодли санъаткор Мирза Барот Мулла Қосимовнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ баъзи бир ноаниқликлар ва қўшимчалар ҳақида сўз юритилган бўлса...

Бизнинг кейинги йилларда олиб борган илмий изланишларимиз натижасида маълум бўлдики, Мирза Барот Қосимов ўзининг хаттотлик ва рассомлик соҳасидаги ижод намуналарини 1890 йилда Туркистон ўлка (Тошкент) кўрғазмасида, 1896 йилда Нижний Новгород шаҳрида ташкил этилган кўрғазмада ва нихоят 1900 йили Парижда ташкил этилган Жаҳон кўрғазмасида намойиш этиб...

Демак, бу янги маълумотлар самарқандлик ўлкашунос олим, хаттот ва таржимон Мирза Барот Қосимовнинг 1888-1889 йиллар орасида Самарқандда нафот этган дейилган.

Мирза Барот истеъодли таржимон ҳам эди. У тарихчи Абу Тоҳир ибн Қози Абу Саид Са...

Равида БОЙТУЛЛАЕВ.

Сув тармоқлари топонимикаси

ПОЙТАХТДАГИ ОҚАР СУВЛАР

Тошкент Урта Осиёдаги бошқа шаҳарларга қараганда сувга сероб ва бог-роғларга бурканган шаҳар бўлган. Бу борада бундан 1200 йил бурун Нил дарёси сувини ўлчайдиган «Микёс-ул-жадид»ни яратиб...

ТАРИХИНИ БИЛАМИЗМИ?

Чиноз шаҳри ёнида Сирдарёга қўшилди. Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманлари худудидан ўтади.

ЗАХАРИҚ - Чирчиқ дарёсидан сув олаётган канал. Хужжатларда Зоғарик, баъзан Зоғарик шаклида учрайди.

КАЙКОВУС - Бўзсувнинг ўнг тармоғи. Шайхонтоҳур ва С.Раҳимов туманлари худудидан ўтади.

ҚОРАСУВ - Бўзсувнинг сўл тармоғи. Бўзсув ГЭСининг пасти қисмидан бошланади.

ДАРХОН - Салор каналининг ўнг қирғоғидан бошланувчи қадимий ариқ.

АНҲОР - (арабча «наҳр» - дарё, деган сўзнинг кўплиги) - катта канал, ариқ, шаҳарнинг Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари худудидан оқиб ўтадиган сув оқими.

БУРИЖАР - Бўзсувнинг чап тармоғи. Оқтепа ГЭСи юқорисидан бошланади.

Бўзсув - Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги магистрал канал.

ҚОРАСУВ - Бўзсувнинг сўл тармоғи. Бўзсув ГЭСининг пасти қисмидан бошланади. Тошкентнинг жанубий шарқини сув билан таъминлаб турган.

ҚОРАСУВ - Бўзсувнинг сўл тармоғи. Бўзсув ГЭСининг пасти қисмидан бошланади. Тошкентнинг жанубий шарқини сув билан таъминлаб турган.

ҚОРАСУВ - Бўзсувнинг сўл тармоғи. Бўзсув ГЭСининг пасти қисмидан бошланади. Тошкентнинг жанубий шарқини сув билан таъминлаб турган.

ҚОРАСУВ - Бўзсувнинг сўл тармоғи. Бўзсув ГЭСининг пасти қисмидан бошланади. Тошкентнинг жанубий шарқини сув билан таъминлаб турган.

ҚОРАСУВ - Бўзсувнинг сўл тармоғи. Бўзсув ГЭСининг пасти қисмидан бошланади. Тошкентнинг жанубий шарқини сув билан таъминлаб турган.

Мирза Барот Мулла Қосимов ХІХ асрнинг биринчи чоррағида Самарқанднинг Қаландархона даҳасининг Маҳдуми Хоразм маҳалласида хонарамд оиласида туғилиб...

Мирза Барот дастлаб кичик ҳажмадаги қўлэмалар ва тарихий асари атиқалардан кўчирмалар тайёрлади.

Мирза Барот дастлаб кичик ҳажмадаги қўлэмалар ва тарихий асари атиқалардан кўчирмалар тайёрлади.

1883 йили Самарқандда келган Петербург университетининг профессори Н.Веселовский (1848-1948), Мирза Барот билан яқиндан танишди...

1900 йили Санкт-Петербургда чоп этилган «1900 йилги Бутун Жаҳон кўрғазмаси тасвирлар ва тавсифларда» («Всемирная выставка 1900 года в иллюстрация и описаниях» СПб, 1900 г.) китобида шундай сўзлар битилган.

1900 йили Санкт-Петербургда чоп этилган «1900 йилги Бутун Жаҳон кўрғазмаси тасвирлар ва тавсифларда» («Всемирная выставка 1900 года в иллюстрация и описаниях» СПб, 1900 г.) китобида шундай сўзлар битилган.

дарвоза қоя тошидаги ёзувларнинг аниқ ва нафис кўчириб олган, ранглар тўлиқ сақланган ҳолда аниқ ва бенуқсон қилиб чизилган.

1885 йили Самарқандга келган Петербург университетининг профессори Н.Веселовский (1848-1948), Мирза Барот билан яқиндан танишди...

1900 йили Санкт-Петербургда чоп этилган «1900 йилги Бутун Жаҳон кўрғазмаси тасвирлар ва тавсифларда» («Всемирная выставка 1900 года в иллюстрация и описаниях» СПб, 1900 г.) китобида шундай сўзлар битилган.

1900 йили Санкт-Петербургда чоп этилган «1900 йилги Бутун Жаҳон кўрғазмаси тасвирлар ва тавсифларда» («Всемирная выставка 1900 года в иллюстрация и описаниях» СПб, 1900 г.) китобида шундай сўзлар битилган.

1900 йили Санкт-Петербургда чоп этилган «1900 йилги Бутун Жаҳон кўрғазмаси тасвирлар ва тавсифларда» («Всемирная выставка 1900 года в иллюстрация и описаниях» СПб, 1900 г.) китобида шундай сўзлар битилган.

Mahalla logo and contact information: Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати: Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Нияматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам КОСИМОВ, Расул РАҲМОМОВ, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Тазнаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ, Масъуд қотиб: Аслиддин БҮРИЕВ, Навбатчи: Аббор БЕРДИЕВ

Газета тахрират компьютерларида теринди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масьул қотиб: 136-53-78, Хатлар бўлими: 136-57-62.